



15.05.2018



1

ҚОНУН моҳияти. Яқинда қабул қилинган “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўрисида”ги Қонунга мувофиқ Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун билан ушланган шахсларни қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қўлланилган эҳтиёт чораси устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Шунингдек, ҳимоячига далилларни тўплаш ҳамда тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Мазкур Қонун суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя этишни таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик, шунингдек, суд ва тергов органларининг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Асосий жиҳатлари. Қонун билан, аввало, далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланди, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Қонунга хилоф усуллар орқали ёки процесс иштирокчиларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёхуд уларни чеклаш йўли билан олинган далиллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди. Судларда жиноят ишлари бўйича очиқ муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этишга тақиқ киритилди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини

қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

2

Жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кирган янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексда ҳам фуқаролик суд ишларини юритишга оид бир қатор янги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Янгиликлардан бири — янги таҳрирдаги кодексда судга мурожаат қилиш шакллари ҳақидаги норма киритилди. Унга кўра, судга мурожаат қилиш: фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар бўйича — даъво аризаси шаклида; буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек, кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза шаклида; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.

3

Аризани кўрмасдан қолдириш учун асослар 5 тадан 11 тага кўпайтирилди:

— *тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал этиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилганлиги;*

— *алоҳида тартибда юритиладиган ишни муҳокама қилиш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқиши;*

— *хотини ҳомиладор бўлган вақтда ёки бола тузилгандан кейин бир йил давомида эр хотинининг розилигисиз никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво тақдим этганлиги;*

— *даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилганлиги;*

— *даъвогар томонидан низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаганлиги;*

— *мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топшиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки эгасиз мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олишнинг қонунда назарда тутилган тартиби бузилган ҳолда берилганлиги.*

Янги таҳрирдаги кодекснинг яна бир аҳамиятга молик жиҳати, унда процессуал мажбурлов чоралари ҳақидаги янги бобнинг жорий қилинишидир. Процессуал мажбурлов чоралари жумласига:

1. Кодексда назарда тутилган ҳолларда мажбурий келтириш;
2. Огоҳлантриш;

3. Суд мажлиси залидан чиқариб юбориш;

4. Суд жаримаси киритилди.

135 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [ОАВ лар фаолиятига бевосита тааллуқли янги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди](#) [3]
- [Адлия вазири блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берди](#) [4]
- [Коммунал хизматлардан қарздор шахсларга айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилмайди](#) [5]
- [Агротехника тадбирлари энди GPS навигация орқали назорат қилинади](#) [6]
- [Виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик барқарорлик омили](#) [7]
- [Ер участкалари қайси ҳолларда олиб қўйилиши мумкин?](#) [8]
- [ЎРБНИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШДА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАЯПТИ?](#) [9]
- [Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов номидаги мактаб-интернати ташкил этилади](#) [10]
- [ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО \(ЭРИ\) КАЛИТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ](#) [11]
- [“Ёш китобхон” танлови давом этади](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3605>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/3605>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3605>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/3634>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/3632>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/3623>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/3621>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/3618>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/3616>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/3615>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/3614>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/3611>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/3609>